

# OUR LORD!

## Selected Qur'anic Invocations on Forgiveness and Hope

Translated by  
Sayyid Jalali

1408 = 1988



The Open School  
P.O. BOX 53573  
CHICAGO, IL 60653-0398



يَقُولُونَ رَبَّنَا أَتَمِّمْ لَنَا نُورَنَا وَاعْفِرْ لَنَا

إِنَّكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

Эй Парвардигор, Бизга нуримиз-  
ни комил қилиб бергил ва гуноҳла-  
римизни мағфират қилгил. Албат-  
та, Сен ҳар бир нарсага қодирсан.

\* \* \*

Our Lord! Perfect for us our light,  
and forgive us; indeed, you have power  
over everything.

*The Qur'an, 66:8*



The Open School

P.O. BOX 53573

CHICAGO, IL 60653-0398

رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِلَّذِينَ كَفَرُوا وَاعْفِرْ لَنَا رَبَّنَا

إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

Эй Парвардигоро, кофирларни бизнинг устимизга мусаллат (ғолиб) қилмагил. Эй Парвардигоро, бизнинг гуноҳларимизни кечиргил ва уларнинг шаррини (ёмонлигини) бизлардан даф қилгил. Сен ғолибсан, ҳар бир ишинг ҳикматли Зотдирсан.

\* \* \*

Our Lord! Do not make us as a trial for unbelievers, and forgive us, our Lord; indeed, you are the Mighty and the Wise.

*The Qur'an, 60:5*

رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ  
وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ  
رَءُوفٌ رَحِيمٌ

Парвардигоро, бизнинг гуноҳлари-  
мизни кечиргил ва биздан илгари  
иймонга мушарраф бўлган биродар-  
ларимизнинг гуноҳларини кечиргил.  
Бизнинг дилимизда у мўмин биро-  
дарларимиз учун гина ва ҳасадни  
пайдо қилмагил. Эй Парвардигоро,  
Сен бандаларга ниҳоятда меҳрибон  
(ва) раҳмли Зотсан.

\* \* \*

Our Lord! Forgive us and our  
brothers, those who have preceded us  
in faith. Do not leave hatred in our  
hearts toward those who believe.

Our Lord! Indeed, you are kind and  
merciful.

*The Qur'an, 59:10*

رَبَّنَا وَسِعْتَ كُلَّ شَيْءٍ رَّحْمَةً وَعِلْمًا فَاغْفِرْ لِلَّذِينَ  
تَابُوا وَاتَّبَعُوا سَبِيلَكَ وَقِهِمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ

Эй Парвардигоро, Сенинг раҳма-  
тинг ва илминг ҳамма нарсадан улуғ  
(кенг)дир. Бас, тавба қилгувчилар-  
нинг гуноҳларини кечир. Ва Сенинг  
йўлингда юрган инсонларни дўзах  
азобидан сақла!

\* \* \*

Our Lord! Your mercy and your  
knowledge encompass all things. So,  
forgive those who repent and follow  
your way, and protect them from the  
punishment of the Hell.

*The Qur'an, 40:7*

رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا  
قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا

Парвардигоро, бизларга хотинларимиздан, зурриётларимиздан кўзимизни равшан қиладиган солиҳ фарзандлар ато эт, бизларни муттақийларга пешво қилгил.

\* \* \*

Our Lord! Grant us in our wives and our offsprings as a joy of our eyes, and make us as leaders for those who are cautious.

*The Qur'an, 25:74*

رَبَّنَا ءَامِنَّا فَآغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا

وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّاحِمِينَ

Эй Парвардигоро, Сенга иймон келтирдик, бизларнинг гуноҳларимизни кечиргил. Сен раҳм қилгувчиларнинг энг афзалисан.

\* \* \*

Our Lord! We believe, so forgive us and have mercy upon us; and you are the best of those who have mercy.

*The Qur'an, 23:109*

رَبَّنَا آتِنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً

وَهَيِّئْ لَنَا مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا

Эй Парвардигоро, бизга Ўз тара-  
фингдан меҳрибонликни ато эт! Ва  
бизларнинг ҳар бир ишимизни Ўзинг  
рост келтир (тўғрилагин)!

\* \* \*

Our Lord! Give us mercy from  
yourself and prepare for us a right  
(choice) of our affair.

*The Qur`an, 18:10*

رَبَّنَا اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ

يَقُومُ الْحِسَابُ

Парвардигоро, дуоимни қабул қилгил, Қиёмат қоим бўлганида Мени мағфират қилгил, ота-онам-нинг ва мўминларнинг гуноҳларини кечиргил.

\* \* \*

Our Lord! Forgive me, and my parents, and (all) believers at the day of judgment.

*The Qur'an, 14:41*

رَبَّنَا أَفْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَتَوَفَّنَا مُسْلِمِينَ

Бизларга Фиръавннинг азобига  
сабр ато қил. Бизларга иймон ва  
Ислом йўлида ўлишни насиб эт!

\* \* \*

Our Lord! Pour out on us patience  
and constancy and let us die as  
Muslims (who bow to Allah's Will).

*The Qur'an, 7:126*

رَبَّنَا أَفْتَحْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ قَوْمِنَا بِالْحَقِّ وَأَنْتَ

خَيْرُ الْفَاتِحِينَ

Эй Парвадигор, Биз билан бу ко-  
фир қавм ўртасида адолат билан  
ҳукм қилгил, Сен энг яхши ҳукм қил-  
гувчидирсан.

\* \* \*

**Our Lord! Overcome (the dispute)  
between us and our people with truth;  
you are the best of those who overcome  
(disputes).**

*The Qur'an, 7:89*

رَبَّنَا وَءَاتِنَا مَا وَعَدْتَنَا عَلَىٰ رُسُلِكَ  
وَلَا تُخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَمَةِ ۚ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادَ

Эй Парвардигор, бизга расулла-  
ринг орқали ваъда қилган нарсала-  
рингни бергил! Қиёмат куни бизни  
расво қилма! Батаҳқиқ, Сен ваъдага  
хилоф қилмассан!

\* \* \*

Our Lord! Grant us what you have  
promised us on (the account of) your  
Messengers. And save us from shame  
on The Day of Judgement. Indeed, you  
never break your promise.

*The Qur`an, 3:194*

رَبَّنَا إِنَّا سَمِعْنَا مُنَادِيًا يُنَادِي لِلْإِيمَانِ أَنْ ءَامِنُوا  
بِرَبِّكُمْ فَكَأَمَّا رَبَّنَا فَأَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِّرْ عَنَّا  
سَيِّئَاتِنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ

Эй Парвардигор, биз: "Парвардигорингизга иймон келтиринглар", - деб даъват қилган (пайғамбар)нинг нидосини эшитдик. Кейин биз иймон келтирдик. Энди, эй Парвардигор, гуноҳларимизни мағфират қил ва ёмонликларимизни маҳв эттил! Бизга яхшилар билан (бирга) ўлим насиб қилгил!

\* \* \*

Our Lord! Indeed, we have heard one calling to the faith (saying): "Believe in your Lord." then we believed. Our Lord, forgive us our sins, and expiate from us our evil deeds, and make us die with righteous people.

*The Qur'an, 3:193*

رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي أَمْرِنَا  
وَتَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ

Эй Парвардигоро, гуноҳларимиз-  
ни мағфират қилгил. Бу амалларимиз-  
да ҳаддан тажовуз қилган бўлсак,  
бизни кечиргил. Жанг майдонида  
қадамларимизни собит қилгил. Ко-  
фир қавми билан муқотала қилгани-  
мизда бизга мадад бергил.

\* \* \*

Our Lord! Forgive us our sins and  
our extravagance in our affair, set firm  
our feet and help us against those. That  
resist Faith.

*The Qur`an, 3:147*

رَبَّنَا ءَامَنَّا بِمَا أُنزِلَتْ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ

فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ

Эй Парвардигор, Сен юборган  
Китобга ва Пайғамбарга иймон кел-  
тирдик, сўзларини тасдиқладик, Расу-  
лингга тобе бўлдик. Бас, бизни Се-  
нинг Худолигингга гувоҳлик бергув-  
чилар қаторига ёзгил.

\* \* \*

Our Lord! We have believed in what  
you have sent down, and we followed  
the messenger; so, write us down  
among the witnesses.

*The Qur'an, 3:53*

رَبَّنَا إِنَّا ءَامَنَّا فَآغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا

وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

Эй Парвардигор, биз Сенга ишон-  
дик, бас, гуноҳларимизни кечиргил  
ва бизни дўзах азобидан сақлагил.

\* \* \*

Our Lord! Indeed we do believe. So  
forgive our sins, and protect us from  
the agony of the fire.

*The Qur'an, 3:16*

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا

وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ

Эй Парвардигор, бизни тўғри йўлга ҳидоят қилганингдан сўнг дилларимизни бу йўлдан оздирма. Ўз карамингдан бизга раҳматингни ато қил. Албатта, Сен раҳматингни мўминларга ҳиба қилувчисан (бағишловчисан).

\* \* \*

Our Lord! Do not cause our hearts to deviate after having guided us; and grant us mercy from your-self. Indeed you are the (Most Generous) giver.

*The Qur'an, 3:8*

رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ

وَاَعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا اَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا

عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ

Эй Парвардигоро, биз амал қилиш-  
га қувватимиз етмай ожиз бўлиб  
қоладиган нарсаларни бизнинг усти-  
мизга (зиммамизга) юкламагил. Гу-  
ноҳларимизни номаи аъмолимиздан  
маҳв қилгил, хатоларимизни кечир-  
гил. Фазл ва караминг билан ҳоли-  
мизга раҳм қил. Сен - мавлоимиз,  
холиқимизсан, кофирлар қавми му-  
қобилига бизга ёрдам бергил.

\* \* \*

Our Lord! Lay not on us a burden  
greater than we have strength to bear.  
Pardon us, forgive us, and have mercy  
upon us; You are our Protector. Help us  
against those, who stand against Faith.

*The Qur'an, 2:286*

رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا

إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا

Эй Парвардигоро, биздан илгари  
ўтган бандаларингнинг устларига  
(зиммаларига) юклаган оғир юклар-  
ни бизнинг устимизга юкламагил.

\* \* \*

Our Lord! Do not lay upon us a task  
such as you did lay upon those who  
were before us.

*The Qur'an, 2:286*

رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا

Эй Парвардигоро, агар хато қилиб  
ё фаромушлик билан (унутган ҳолда)  
бирор гуноҳ қилиб қўйсак, бизни  
Қиёмат куни муохаза қилмагил (жа-  
золамагил), бизни кечиргил.

\* \* \*

**Our Lord! Do not take us (to question)  
if we forget or make mistake.**

*The Qur'an, 2:286*

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً

وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

Эй Парвардигоро, бизга дунёда (ҳам) яхши ишларни қилмоққа тавфиқ ато қилгил ва охирада (ҳам) яхши савоблар бергил. Расулуллоҳнинг ша-фоатларини насиб қилгил. Дўзах азобидан сақлагин.

\* \* \*

Our Lord! Give us good in this world and good in the hereafter, and protect us from the torment of the fire.

*The Qur'an, 2:201*

رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا<sup>ص</sup>

إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

Эй Парвардигор, бу хайрни биз-  
дан қабул қилгил. Сен, албатта, ду-  
оларимизни эшитгувчисан, ниятлари-  
мизни билгувчисан!

\* \* \*

Our Lord! accept (this service) from  
us; you are the Hearer, the Knower.

*The Qur'an, 2:127*

أَدْعُونِي أَجِبْ لَكُمْ

**Менга тазарру (илтижо ва ёлвориш)**  
 билан ибодат қилиб, **дуо қилинглар,**  
 (дуоларингизни) **қабул қиламан.**

\* \* \*

**Call me; I shall answer you.**

*The Qur'an, 40:60*

supplicate in the Glorious Quran. Prophet Muhammad may peace and blessings be upon him also stated in his Hadiths the importance of supplication. Our lovely Prophet usually did a lot of supplications in each work and encouraged his companions to pray a lot. Some publishers collected supplications of our Prophet. We, Muslims must pay special attention to those books.

Additionally, there are a lot of supplication verses in the Glorious Quran. But we must pay attention to the verses that start with "Robbana- O, my Lord!" because using words of Allah from verses of Quran, asking from Him sincerely will be accepted, inshaalah.

Translation of this supplication verses has been done by Mr. Muhammad Husain Jaloliy. Authors of this small book agreed to give both Uzbek and English translations of the verses in order to give opportunity to read and understand by more number of Muslims.

Our lovely Allah, give us all goodness both in this world and in the other world.

**Sayfiddin Sayfulloh**  
**1428-2007**

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

A large number of religious and educational books have been published after the independence of Uzbekistan. "Bayonul Furqon fi tarjimatil Qur'on" is one of those books. It is the Meaning of the Glorious Quran written by Muhammadjon Mulla Rustam ugli (1892-1989).

After hard works like rewriting sentences from ancient Uzbek to the modern one, inserting a lot of explanatory footnotes I managed to publish it in 2006 in Tashkent.

It is clear that doing supplications is also worship in our religion. The terms of acceptance of our supplications are also recommended. The most essential things are being sincere to Allah, making sincere repentance (tawbah) and supplicating with pure heart to the Beloved. In Hadith Allah stated: "O offspring of Adam, everything is divided into three types in this world. The first is for Me the second between you and I and the last is from you. Doing supplications is from you and its acceptance from My side. So nothing restricts your praying unless you eat prohibited things". It is also stated to

юради. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва-  
саллам ҳам бир қатор ҳадисларида дуонинг  
муҳимлиги, ҳатто "ибодатнинг илиги" эка-  
нини қайд этганлар.

Ўзлари ҳам ҳар бир ишнинг ҳолати ва  
мавридига кўра кўп-кўп дуо қилиб, саҳо-  
баларни ҳам дуо қилишга ундаб турганлар.  
Айрим китобларда ҳазрати Пайғамбаримиз-  
нинг ўқиган дуолари жамланган. Ана шун-  
дай китоблардан фойдаланишга эътибор бе-  
ришимиз лозим.

Қуръони каримда дуо оятлари кўп. Аммо  
"Раббано - Эй Парвардигоримиз!" хитоби  
билан ўқиладиган дуоларга мусулмонлар  
кўпроқ эътибор берадилар. Зеро, Аллоҳ-  
нинг ўз каломи билан Ўзига мурожаат қили-  
шимиз кўнгилларга зиёда таскин беради ва  
бундай дуоларнинг самараси ва таъсири ҳам  
кучли бўлади.

Китобчадаги дуо оятларининг инглизча  
таржимасини Муҳаммад Ҳусайн Жалолий  
жаноблари амалга оширган. Дуо оятлари-  
нинг ўзбекча ва инглизча таржимасининг  
ёнма-ён берилиши нур устига нур бўлган.  
Чунки, янада кўпроқ мусулмонлар бу ки-  
тобчадан фойдаланадилар деган умиддамиз.

Илоҳо, дунёда ҳам охиратда ҳам барча-  
мизга яхшиликлар насиб айлагин!

**Сайфиддин Сайфуллоҳ**  
**1428—2007**

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Мустақиллик давридан кейин Ўзбекистонда бир қатор диний-маърифий китоблар нашр бўлди. Улар қаторида Мухаммаджон мулло Рустам ўғлининг (1892-1989) "Баёнул фурқон фи таржиматил Қуръон" номли ўзбекча изоҳли таржимасини алоҳида қайд қилмоқчиман.

Камина мазкур манбанинг тилини соддалаштириб, баъзи изоҳлари билан 2006 йил Тошкентда чоп этишга муваффақ бўлдим.

Қўлингиздаги мўжаз китобчадаги дуо оятлари маъносининг ўзбекча таржимаси мазкур китобдан олинган.

Маълумки динимизда дуо ҳам ибодат саналади. Унинг ижобат бўлиш шартлари ва талаблари ҳақида тавсиялар бор. Энг муҳими, Яратганга ихлос, тақво ва самимий қалб ила тавбаю тазарру ва дуою илтижода бўлиш керак. Ҳадиси қудсийлардан бирида айтилади: "Эй одам фарзанди, дунёдаги нарсалар уч хилдир: бири Мен учун ва бири Мен билан сени ўртамиздадур ва яна бири сандиндур. Сандин бўладигани дуодур ва Мандин ижобат қилмоқдур. Бас, дуонг тўсулуб қолмас, магар ҳаром емоқ бирла".

Қуръони каримда Аллоҳ дуо қилишга бу-



Дуо мўминнинг қуроли ҳамда ибодат саналгани учун ҳар биримиз дуо қилишга масъулмиз. Шарт-шароити ва қоидасига мувофиқ қилинган дуонинг ижобат бўлишига шубҳа йўқ. Айниқса, Қуръон оятлари ё ҳадисларда таъкидланган дуолар билан Аллоҳга юзлансак, Ундан ҳожатимизни талаб қилсак иншааллоҳ, қўлимиз қуруқ қайтмагай. Шу боис биз Қуръондаги айрим дуо оятларини таржимаси билан китобхонлар ҳукмига ҳавола қилмоқдамиз.

Дуоларимизнинг мустажоб бўлишини Аллоҳдан тилаб қоламиз.

*All Muslims are responsible to pray sincerely because supplication is our weapon and worship. There is no doubt that our supplications will be definitely accepted by our Lord (Allah) provided that we do them according to its term and in appropriate time. In fact, the best way is using supplications that are stated in the Glorious Quran and in Hadith of Prophet Muhammad may peace and blessings be upon him. Due to this reason we have prepared some of verse supplications with their translations.*

*We sincerely pray for the acceptance of our heartfelt supplications from our lovely Lord.*

Қуръон оятлари маъноларининг таржималари нашр бўлган китоблардан олинди.

© Сайфиддин Сайфуллоҳ



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи  
билан

In the name of God, the  
Beneficent, the Merciful



# Дуо ҳам ибодатдир

\* \* \*

Нашрга тайёрловчи:  
Сайфиддин Сайфуллоҳ



The Open School  
P.O. BOX 53573  
CHICAGO, IL 60653-0398



# Дуо ҳам ибодатдир

\* \* \*

Нашрга тайёрловчи:  
Сайфиддин Сайфуллоҳ



The Open School  
P.O. BOX 53573  
CHICAGO, IL 60653-0398